



## **МЧЖ АТ "SMART AUDIT"**

Тошкент ш, Олмазор тум, Гулсарой 1Б уй.

Телефон: +99 (890) 920-59-25

e-mail: [bxfinans@gmail.com](mailto:bxfinans@gmail.com)

<http://www.bxfinans.uz>

## **МУСТАҚИЛ АУДИТОР ҲИСОБОТИ**

*"O'ZBEKGEOFIZIKA" AJJ  
рахбариятига*

Биз "O'ZBEKGEOFIZIKA" AJJ нинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи, пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот ҳамда хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

### *Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги*

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Компания раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

### *Аудиторнинг жавобгарлиги*

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу

Ташкилот: AJJ "O'ZBEKGEOFIZIKA"

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Қибрай тумани Ҳокимияти тамонидан рўйхатга олинган.

1994 йил 02 августда берилган №759-сонли Гувохнома. СТИР: 201577724

Ўзбекистон. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ, Янгиобод маҳалласи.

Мустақил аудиторлик ташкилоти: МЧЖ АТ "SMART AUDIT" Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан рўйхатга олинган.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Давлат хизматлари агентлигида рўйхатга олинган.

2019 йил 19 августда берилган № 753202 регистрация рақамли Гувохнома.

Ўзбекистон Республикаси, Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда берилган АФ № 00838 сонли Лицензия.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси аъзоси.



жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

#### Фикр

Бизнинг фикримизча, "O'ZBEKGEOFIZIKA" АЖ нинг 2020 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Холмирзаев А.А.

Директор МЧЖ АТ "SMART AUDIT"

Холмирзаев А.А.

Аудитор.

2021 йил 30 апрель.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

